

**“ТАИЛАНД ҚИРОЛИЧАСИ ЛИБОСЛАРИ” ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ.  
(ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА МИЛЛАТЛАР ВА  
МАДАНИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИ)**

*Ўзбекистон Амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи  
илмий ишлар бўйича директор ўринбосари  
Зухра Холикова*

**Аннотация:** Ушбу мақолада 2023 йил ноябр ойида Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида бўлиб ўтган “Таиланд миллий либослари” ҳамда 2024 йил 8-март халқаро хотин-қизлар куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Тарихи ва маданияти давлат музейида бўлиб ўтган “Аёллар ипак либослари: Тарих ва замонавийлик” халқаро кўرғазмаси ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил ёритилади.

**Калит сўзлар:** Қироллик либослари, “тай” халқи, миллат рамзи, ипак элчиси, урф-одат ва анъаналар, дизайн, конструктив лойиҳа,

Сўнгги йилларда Ўзбекистон маданияти ва санъатига Президентимиз ва халқимиз томонидан берилган катта эътибор ва имконият, жамиятда бу йўналишларнинг кенг ривож топиши ва тараққиёти учун хизмат қилмоғига сабаб бўлмоқда.

Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди ташкилот ва идоралар томонидан хорижий алоқаларнинг кенг йўлга қўйилиши, давлатлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро тажриба алмашинувлар, маданий тадбирларнинг хорижий ҳудудларгача қамраб олиши соҳа мутахассислари ва айниқса ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Айниқса Президентимизнинг бугунги кунда ёшларга бераётган эътиборлари, сифатли таълимни ривожлантириш, маданий меросимизга, миллий кадрларимизга ҳамда урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, барчамизнинг зиммамизга янги-янги ғоялар билан чиқиш ва уларни амалга ошириш вазифасини юклайди.

Юқорида қайд этилган эътиборларнинг ҳосиласи ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизда мутасадди ташкилотлар томонидан санъат ва маданиятнинг турли йўналишлари бўйича янги-янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, соҳада бирмунча кўрсаткичларга эришилмоқда.

2023 йил ноябрь ойида Тошкентдаги Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида илк бора “Таиланд қироллик либослари” халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтган эди. Мазкур кўрғазма очилишида Таиланд қиролчасининг вакили, Таиланд ипаги элчиси Танялак Промма хоним иштирок этди.



Бу кўргазма Ўзбекистон пойтахтининг маданий ҳаётида катта воқеа касб этганлиги туфайли очилишига Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган бир қанча халқаро ташкилотларнинг, элчихона ва ваколатхоналар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, ипакчилик ва дизайн санъат ихлосмандлари, маҳаллий аҳоли ва мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар ва айниқса олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кўпгина ёшлар ташриф буюришиди.

Таиланд қироллик замонавийлиги ва уни қадим анъаналар билан уйғун ҳолда замонавийлашиши жуда қизиқ тарихга эга. 1960 йилда қирол Phumibol Adulyadet ва қиролича Sirikit Америка ва Европанинг 15 та давлатини айланиб келишади ва қироллик кундалик ҳаётида анъанавий Таиланд либослари Ғарб маданияти таъсирига тушиб, ўзгариб кетишидан хавотирга тушишади, ғарб кийиниш маданиятидан “тай” халқининг ўзига хос кийиниш маданиятини ҳимоя қилиб, уни тамомила йўқ бўлиб кетишини олдини олиши керак эди. Шу сабабли Таиланд қироллик либосларининг ягона илмий конструктив лойиҳасини яратиш ҳақида бош қотиришади. Қиролича ҳазрати олиялари учун костюм миллий нақш ва андозалар асосида бўлиши ва энг муҳими, Халқаро ҳамжамиятга Таиланд ўзига хослигини ифодалаши керак эди. Ва албатта фақат Таиланд матоларидан фойдаланиши шарт бўлади.

Қирол ва қиролича Таиланд ўзига хослигини ифодаловчи Таиланд миллий ва шу билан биргилекда бу сарой либослари ниҳоятда замонавий ҳам бўлиши мақсад қилинади. Қиролича қироллик оиласига амалдаги, мослашувчан ва замонавий ҳаётга мослашган Таиланд аёллари учун миллий кийимлари тарихини чуқур ўрганиш ва уни замонавийлашган кўриниш ва шакллари яратиш вазифаси топширилади. Бунинг натижасида Таиланд қироллигида тай аёллари учун жуда ажойиб замонавий миллий либослари яратилди.

Кўргазмада намоиш этилган ушбу либослар албатта сарой аёллари учун баъзилари расмий маросим ва тадбирларда, баъзилари эса кундалик ҳаётда кийиш учун мўлжалланган бўлиб, Таиланд қироллик байроғи рангларига ҳамоҳанг тарзда яратилган. Миллий либосларга монанд зебу-зийнатлари ҳам алоҳида жозиба бахш этади.

Қарийб бир ой давом этган кўргазма мамлакатимиздаги йирик маданий воқеалардан бири бўлди. Кўргазма билан юртимизга ташриф буюрган давлат делегациялари ва мартабали меҳмонлар ҳам танишишди.

Бу кўргазма ўз навбатида “Таиланд ва Ўзбек миллий либослари” кўргазмаси очилишига ҳам асос бўлди. 2024 йил март ойида Яккасарой тумани Оила ва хотин-қизлар бўлими, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Тошкент тўқимачилик ва енгил

саноат институти ҳамда “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар уюшмаси ҳамкорлигида музейда “Миллий либос-миллат рамзи” номли маданий-маърифий тадбири ўтказилди. Тадбир доирасида, техника фанлари доктори, профессор Холида Комилованинг шахсий коллекциясидан ўрин олган миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, Х.Комилова ҳамда М.Кузиеваларнинг ўзбек миллий либосларига бағишланган китоб-альбомлари тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Миллатимиз рамзи бўлмиш миллий либосларимизга бағишланган бу йирик тадбир ташрифчиларни ва кенг аудиторияни ниҳоятда тўлқинлантирди. Айниқса, кўплаб хорижий сайёҳларимизнинг бугунги кунда музейга ўзбек миллий либосларида ташриф буюришлари ўзбек халқига, унинг урф-одат ва анъаналарига ҳамда миллий қадриятларига ҳурмат билан қарашлари кишини ҳайратлантиради.



Энг қувонарлиси, кўргазма якунида экспозицияда намоиш этилган 8 турдаги Таиланд қироллик либослари Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейига Таиланд қироличаси томонидан ҳадя этилди. Бу воқеа Ўзбекистон музейшунослиги тарихида биринчи марта қайд этилди. Бу нафақат музейга эътибор, балки эътироф ҳамдир.

Ушбу коллекция Таиланд маданияти, урф-одат ва анъаналари ҳамда миллий қадриятларини Таиланд аёллари кийган либослари орқали кенг оммага кўрсатиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Маданий Мерос агентлиги ташаббуси билан ушбу кўргазмани Республика ҳудудлари бўйлаб кенг оммага намоиш этиш таклифи ҳукуматимиз ва давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

8-Март Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Тарихи ва маданияти давлат музейида Маданий Мерос агентлиги, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамкорлигида “Аёллар ипак либослари: Тарих ва замонавийлик” (Таиланд қироллик либоси ҳамда Қорақалпоқ ва ўзбек аёллари миллий либослари) кўргазмаси очилиши маросими ҳамда кўргазма доирасида мавзуга доир видео конференция ҳам бўлиб ўтди. Кўргазма экспозициясига Таиланд қироллик либосларидан 8 таси ҳамда 8 донадан Қорақалпоқ ва ўзбек аёллар миллий либослари намоишга қўйилди.





Кўргазмани Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Рустам Сафарбаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг биринчи ўринбосари Турсунали Кузиев очишди. Шунингдек, ушбу кўргазма очилишида сенаторлар, нуфузли давлат ташкилотлари раҳбарлари, элчихона ва ваколатхоналар, рассомлар, ёзувчи ва шоирлар, кўпгина санъат ихлосмандлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва айниқса ёшлар аудиторияси жамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда бир қанча нуфузли ташкилотлар эътиборида бўлган ушбу кўргазма барча томошабинлар, санъат ихлосмандлари ҳамда бугунги ёшларимизда (давра суҳбати чоғида) катта қизиқиш уйғотди ва бунақанги хорижий ва маҳаллий ҳамкорликдаги кўргазмаларни кўпайтириш таклифи билдирилди.

Кейинчалик ушбу кўргазма (кўчма кўргазма сифатида) Республикаимизнинг бир нечта вилоятларида ҳам бўлиб ўтди ва олимлар, зиёлийлар, хорижий сайёҳлар ҳамда маҳаллий аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда юртбошимизнинг “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт бўлса, иккинчиси-аждоқларимизнинг бой мероси, ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият” деган сўзларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ўйлайманки, мамлакатимизда бундай давлатлараро ҳамкорлик тадбирларининг ўтказилиши кўргазмага ташриф буюрган ватандошларимизнинг дунёқараши ва билимларини оширишда катта аҳамият касб этади. Айниқса бугунги ўсиб келаётган ёш авлод онгида миллий ва умуминсоний кадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат, ғурур ва ифтихор Ватанга сдоқат ва муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Шунингдек, бундай тадбирларнинг ўтказилиши давлатлар ва маданиятлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ҳам янада мустаҳкамланиши учун хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида бўлиб ўтган мазкур кўргазма йилнинг энг сара кўргазмаларидан бири бўлиб, нафақат пойтахтликларни балки, дунё мамлакатлари халқларини ҳам ўзлигини англашга даъват этади.